# ШАРТНОМА №2

«17» январ 2022 йил. Янгибозор тумани.

«Тулибой Рахотой» о/к бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан рахбари М.Каримова фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва **Янгибозор туман Мактабгача таълим булими** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан рахбари **С.Реймова** фаолиятини курсатувчи,иккинчи томондан, куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

**1. Шартнома предмети**

1.1.»Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошкарувига) беради,»Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

| № | Махсулот тури | Ул.бир. | Микдори | Нархи | Умумий киймати | Тикет ёки элон номери |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Гарох | кг | 50,0 | 15000 | 750000,0 | |
| 2 | Гречка | кг | 45,0 | 13700 | 616500,0 | |
| 3 | конфет | кг | 10,0 | 11000 | 110000,0 | |
| 4 | Туз | кг | 25,0 | 1500 | 37500,0 | |
| 5 | Шакар | кг | 140,0 | 8700 | 1218000,0 | |
| 6 | макарон | кг | 55,0 | 7300 | 401500,0 | |
| 7 | Перловка | кг | 45,0 | 6000 | 270000,0 | |
| 8 | Повидло | л | 40,0 | 11000 | 440000,0 | |
| 9 | Ун 1-сорт | кг | 140,0 | 3000 | 420000,0 | |
| 10 | шарбат (табиий) | л | 160,0 | 7000 | 1120000,0 | |
| 11 | курук мева | кг | 40,0 | 28000 | 1120000,0 | |
| 12 | тамат пастаси | кг | 30,0 | 17000 | 510000,0 | |
| 13 | манний ёрмаси | кг | 35,0 | 7000 | 245000,0 | |
| 14 | какао | кг | 5,0 | 51000 | 255000,0 | |
| 15 | Кунгабокар ёги | кг | 55,0 | 20000 | 1100000,0 | |
| | **жами** | | | | **8613500,0** | |

**2. Шартнома нархи, бахоси, суммаси (киймати)**

2.1.Шартноманинг умумий киймати 8613500 ( саккиз миллион олти юз ун уч минг беш юз ) сумни ташкил килади.

**3. Тулов шартлари**

3.1.«Харидор» «Сотувчи»нинг хисоб-ракамига шартномада курсатилган махсулот микдори суммасининг 30 фоизини шартнома Ғазначиликда рўйхатга олингандан кейин олдиндан утказишни, колган 70 фоизини махсулотни тулик олгандан сунг 15 календар куни ичида тулашни уз зиммасига олади.

3.2.Тулов тури тулов топширикномаси оркали пул утказиш йули билан.

**4. Шартноманинг бажарилиш муддати**

4.1.Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган махсулот «Харидор» га шартнома Ғазначиликда рўйхатга олиниб 30 фоиз аванс тўлови ўтказилгандан кейин 15 кун ичида берилиши шарт.

4.2.Шартноманинг амал килиш муддати: 2022 йил « 17 » январдан 2022 йил «31» декабргача уз кучида колади.

**5. Тарафлар хукуклари**

5.1. «Харидор»нинг хукуклари:

5.1.1.Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни уз вактида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

5.2. «Сотувчи»нинг хукуклари:

5.2.1.Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хак тулашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.2.2.»Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ,махсулотни кабул килишда асоссиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

**6. Тарафлар мажбуриятлари**

6.1. «Сотувчи»мажбуриятлари:

6.1.1.Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2.Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш (хабарнома) олгандан сунг сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган махсулот бахосини кайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1.Махсулотни кабул килиш далолатномасини тузган холда Ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибга,сонига,сифатига караб муддатида махсулотни кабул килиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган махсулот келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини огохлантириш.

6.2.3. Махсулотни бахосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулаш.

**7. Тарафлар жавобгарлиги**

7.1. Махсулот бериш вактида риоя килмаганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тулик коплайди ва 0,4 % микдорда пеня тулайди.

7.2. «Сотувчи» махсулотни тулик етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун махсулот бахосидан 0,4 фоиз пеня тулайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулкни уз вактида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тулайди.
7.5. Махсулот учун «Харидор» уз вактида ёки тулик туловни амалга оширмаса маблаг микдоридан 0,4 фоиз пеня тулайди, лекин пения микдори туланмаган маблагни 50 % микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омборидан уз вактида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса ,агар бу томонларнинг келишиувига асосан кузда тутилган булса «Харидор» хар бир утказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сакланганлигидан келиб чиккан зарарни ва шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тулайди.
7.7.Неустойка (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришда озод килмайди.

## 8. Форс-мажор холатлари

8.1.Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши,фукоралар тартибсизлиги,эпидемия,эмбарго,ер кимирлаши,сув тошкини,ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.
8.2.Агар бартараф килиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, арафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин.

## 9. Низони хал килиш тартиби

9.1.Ушбу шартномада ёки унга боглик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.
9.2.Тарафларнинг келишуви билан хал килиб булмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди оркали хал килинади.

## 10. Шартномага узгартириш ва кушимчалар киритиш тартиби

10.1.Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб,имзо куйилгандан кейингина юридик кучга эга булади.
10.2.Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан Узбекистон Республикаси Фукоралик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

## 11.Бошка холатлар

11.1.Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга булиб икки нусхада тузилган.
11.2 Ушбу шартнома ва унга киритилган барча қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликда рўйҳатга олингандан кейин конуний кучга киради.
11.3.Тарафларнинг бошка талаблари:___________________________________________________
11.4.Шартномага илова:______________________________________________________________

## 12.Тарафларнинг юридик манзилгохи ва тулов реквизитлари

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| Тулибой Рохатжон о/к | Янгибозор туман МТБ |
| Манзили : Мангитлар МФЙ | Манзили : Янгибозор шах. Фидокорлар 28 |
| Тел/факс: +998973639200 | Тел/факс: 41-92-632 |
| Хр 20208000505173846001 | ш/хр: 100022860332367098110025010[illegible] |
| ИНН 307102151 | ИНН: 305154113 |
| Банк Агробанк Янгибозор филиал | ИФУТ: 84113 |
| МФО 00574 | Молия вазирлиги Ягона Газна хисоб-варағи |
| | Газна х/в 23 402 000 300 100 001 010 |
| | Банк: Марказий банк Тошкент шахар бошкармаси ХККМ |
| | МФО : 00014. ИНН: 201122919 |

Рахбар ____________ М.Каримова
(имзо) (ф.и.ш)

Рахбар ____________ С.Реймова
(имзо) ( ф.и.ш)

М.У М.У

Хукукшунос: ______________________________________________________________

...н рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: H0430620 7553

**Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Tuliboy Roxatoy" oilaviy korxonasi o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan**

## X U L O S A

2022-yil 19-yanvar Yangibozor tumani

Men Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsul`ti O.Rajapov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Tuliboy Roxatoy" oilaviy korxonasi o'rtasida 2022-yil 17-yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi № 2-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi 1-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respblikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998-yil 29-avgustdagi Qonunining 10, 20, 21-moddalari va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 437-456 moddalari normalari bilan tartibga solingan.

Shartnomaning umumiy summasi jami 8.613.500 ( sakkiz million olti yuz un uch ming besh yuz ) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri S.Reymova va "Tuliboy Roxatoy" oilaviy korxonasi rahbari M.Karimovalarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnomani imzolashda xo'jalik shartnomalarini tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi printsplariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko'rsatib o'tilgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga asosan;

## X U L O S A   Q I L I N D I:

Yangibozor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Tuliboy Roxatoy" oilaviy korxonasi o'rtasida 2022-yil 17-yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish to'g'risida"gi 2-sonli loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

**Yangibozor tuman yuridik xizmat ko'rsatish Markazi bosh yuristkonsul'ti** **O.Rajapov**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
«YANGIBOZOR DEHQON BOZORI»
MA'SULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
«ЯНГИБОЗОР ДЕҲҚОН БОЗОРИ»
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ

Xorazm viloyati Yangibozor tumani Fidokor kochasi tel: (+99862) 41-94-106
Хоразм вилояти Янгибозор тумани Фидокор кўчаси тел: (+99862) 41-94-106

2022 yil "11" yanvar

№ 2-son

Yangibozor tumani maktabgacha
ta`limb o`limi mudiri
S.Reymovaga

## Ma`lumotnoma

Berildi ushbu ma`lumotnoma shu haqdaki, Sizning 2022 yil 11 yanvardagi №01-01/6-6-6-sonli xatingizga asosan hozirgi kunda 1 kg kungaboqar yog`ining o`rtacha sotilish narxi 20000 (yigirma ming) so`m, 1 dona meva pyuresi (MAPUSHA bolalar pyuresi 90 gr) ning o`rtacha sotilish narxi 4500 (to`rt ming besh yuz) so`mni tashkil qiladi.

"Yangibozor dehqon bozori"
MChJ raisi: D. Saparbaev